

ФАРГОНА ВОДИЙСИ ЗАРАРЛИ ЧИГИРТКАЛАРИНИНГ ТУР ТАРКИБИ

Санжарбек Пахлавонович Усманов

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти. қ.х.ф.ф.д.(PhD), доцент в.б.

Бахтиёр Исмоилов.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, магистр

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6549356>

Аннотация. Мақолада Фаргона водийси агроландшафтларда тарқалган якка холда яшовчи чигиртка турлари сони ва зичлиги келтирилган. Ўрганилган маълумотларга асосан чигирткалар кўзачаларидағи тухумлар сони ва массаси ўрганиб анализ қилинган.

Калим сўзлар: чигирткалар, доминант турлари, тарқалиши, агроценозлар, худудлар кесмида, ўлчами ва оғирлиги.

ВИДЫ САРАНЧОВЫХ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Аннотация. В статье представлена численность и плотность одиночно обитающих видов саранчовых в агроландшафтах Ферганской долины. На основании изученных данных были изучены и проанализированы количество и масса яиц в кубиках саранчи.

Ключевые слова: саранчовые, доминирующие виды, распространение, агроценозы, срез, размеры и масса.


LOCUST SPECIES IN THE FERGANA VALLEY

Abstract. The article presents the number and density of solitary locust species in the agricultural landscapes of the Ferghana Valley. Based on the studied data, the number and weight of eggs in locust cubes were studied and analyzed.

Key words: locusts, dominant species, distribution, acrocyanoses, cut, size and weight.

Ўзбекистон Республикасида тарқалган заарли чигирткаларнинг тур таркибини ва экологиясини ўрганиш ҳамда уларга қарши кураш чораларини олиб бориш бўйича бир қанча тадқиқот ишлари ўтказилган бўлса ҳам бу борада Фаргона водийси шароитида илмий ишлар анча кам. Кейинги йиллар давомида худудда содир бўлган ўзгаришлар, экинлар тизимининг янгидан шаклланиши, водий шароитида чигирткаларнинг зарар келтириш миқдорини анча кучайишига олиб келди. Вилоятларда чигирткаларга қарши кураш хизматининг ташкил қилиниши, ҳамда фермер хўжаликлари томонидан ҳам чигирткаларга қарши кураш ишларини олиб борилиши, бу ҳашаротларнинг тур таркиби, уларнинг экологик хусусиятлари тўғрисида янги маълумотлар олиш учун тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этмоқда.

Фаргона водийси чигирткалари тур таркибини аниқлаш, уларининг тарқалиши ва айрим экологик хусусиятларини мониторинг қилиш учун 2017-2021 йиллар давомида Андижон вилоятининг Хўжаобод, Балиқчи, Олтинқўл, Булоқбоши туманлари, Наманган вилоятининг Поп, Фаргона вилоятининг Кува, туманларининг ҳудудидан чигиртка турларини намуналари йифилди. Материал йиғиши ишлари асосан чигирткаларнинг тўлиқ ривожланиш муддатлари давомида қисман баҳор ва куз ойларида ва асосан ёз фаслининг июль ойида ўтказилди. Ялпи ривожланувчи турларнинг биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш учун иккита стационар майдон танланди.



1 – расм. Фаргона водийси чигирткалари мониторинги бўйича тадқиқот ишлари ўтказилган худудлар ҳаритаси

Бу стационар майдонларда чигирткаларнинг ривожланиш муддатларини аниқлаш давомида доимий кузатиш ишлари олиб борилди. Шунингдек, қўшни Республикалардан инвазив турларнинг кириб келишини аниқлаш учун Андижон вилоятининг 2 та туманида, Фаргона вилоятининг 2 та туманида, Наманган вилотининг 1 та туманида 2018-2020 йиллар давомида кузатишлар олиб борилди.


Тўда ҳосил қиласидан турларнинг табиий ўчоқларини аниқлаш учун эса Андижон вилоятининг 7 та, Наманган вилоятининг 4 та, Фаргона вилоятининг 5 та туманлари худудларида улар миқдори ва зичлиги, ривожланиш муддатлари ўрганилди. Тўда ҳосил қилмайдиган турларнинг маҳаллий ўчоқларини аниқлаш учун улар тарқалиши мукин бўлган худудлар шароити таҳлил қилинди. Бунинг учун Фаргона водийси ялпи ер майдони, қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонлар таҳлил қилиниб, айrim туманлар худудида қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган далалар ва улар атрофида мавжуд чигирткалар кўпайиши мумкин бўлган сугориш шаҳобчалари, автомагистраллар ҳисобига қарашли бўлган майдонлар миқдори аниқланди.

Агроценозларда ўтказилган тажриба маълумотларига кўра 26 та чигиртка турлари бошқа турларга нисбатан кенг тарқалганилиги аниқланди. Йиғилган намуналар таҳлил қилинганда, ғўза далаларида 16 тур, буғдой майдонларида 10 тур, шолипояда 10 тур, бедапояда 17 тур, маккажўҳори даласида 8 тур, дон-дуккакли экинларда 9 тур, сабзавот ва полиз экинларида 12 тур, боғларда эса 17 тур, чигирткалар тарқалган. Аниқлаган чигиртка турларидан энг қўп тарқалган 14 тури зичлиги жиҳатдан доминант турлар сифатида аниқланди. Доминант сифатида аниқланган турларнинг асосий қисми тўда ҳосил қилмайдиган турлар ҳисобланади. Уларга *Pyrgomorpha bispinosa* Mistsh., *Acrotylus*

insibiricus Scop., *Calliptamus turanicus* Serg.Tarb., *Calliptamus barbarus cephalotes* Fisch., *Duroniella kalmyka* (Ad.), *Aiolopus oxianus* Uv., *Aiolopus thalassinus* (F.), *Oedaleus decorus* (Germ.), *Heteracris adspersa* (Redt.), *Dociostaurus tartarus* Uv., *Sphingoderus carinatus* (Sauss.) турлари бўлиб, уларнинг тажриба олиб борилган майдонларда зичлиги 10-45 дона/соат эканлиги маълум бўлди. Жумладан, *P.bispinosa deserti* Mistsh., *A.insibiricus* Scop., *D.kalmyka* (Ad.) каби турларининг экинзорлардаги зичлиги 8-32 дона/соат. Ўзбекистонда тарқалган тўда ҳосил қилувчи осиё (*Locusta migratoria* L.), марокаш (*Dociostaurus maroccanus* Thunb.) ва воҳа (*Calliptamus italicus italicus* L.) чигирткалирининг Фарғона водийси худудларида тарқалганини маълум. Уларнинг экинзорлардаги зичлиги анча баланд бўлиб, ўртача 35-90 дона/соат миқдорда бўлди. Тадқиқот ишлари давомида Фарғона водийсида боғ ва экинзорларда кўп миқдорда учрайдиган юқорида келтирилган турларнинг экологик хусусиятлари ҳам ўрганилди. Бу турларнинг айримлари, яъни *Pyrgomorpha bispinosa deserti* Mistsh., *Acrotalus insibiricus* Scop., *Duroniella kalmyka* (Ad.) каби турларнинг имаголари бутун вегетация даврида учради. Улар йил давомида 2-3 авлод бериб ривожланди ва асосан дала атрофларидағи сув шаҳобчалари бўйларида, партов ерларда ривожланди, шунинг учун ҳам экинзорларда уларнинг миқдори анча юқори бўлган.

Якка ҳолда ривожланувчи, яъни тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларнинг заар келтириш имкониятини белгилаб берувчи асосий кўрсатгичларидан бири, бу уларнинг кўпайиш потенциали бўлиб ҳисобланади. Ялпи ривожланиш хусусиятига эга бўлган турлар жинсий маҳсулдорлиги анча юқори бўлиб, осиё чигирткасининг хар бир кўзасида унинг тухумлари миқдори 55 – 120 тагача бўлди ва улар бутун ҳаёти давомида 5-7 дона кўзача холатида тухум қўйиши аниқланди. Худди шунингдек, марокаш ва воҳа чигирткаларининг ҳам биологик потенциали анча юқори бўлди ва улар катта миқдорда ҳашаротлар галаларини ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам бу турлар хавфли зааркундалар қаторига киритилган. Якка ҳолда яшовчи турлар маҳсулдорлиги анча паст. Жумладан, *Pyrgomorpha bispinosa deserti* Mistsh. – 1 та кўзачасида 30-54 та, *Acrotalus insibiricus* Scop.–кўзачасида 14-30 та, *Duroniella kalmyka* (Ad.) –кўзачасида 18 тагача, *Calliptamus turanicus* Serg.Tarb. - кўзачасида 35-50 та, *Calliptamus barbarus cephalotes* - кўзачасида 42-50 та, *Aiolopus thalassinus* (F.) - кўзачасида 10-33 та, *Oedaleus decorus* (Germ.) - кўзачасида 21-31 та, *Heteracris adspersa* (Redt.) - кўзачасида 35-53 та, *Dociostaurus tartarus* Uv. - 1 та кўзачасида 18-24 та тухум бўлади. Шунинг билан бирга якка ҳолда яшовчи чигирткаларнинг биологик потенциалини белгиловчи кўрсатгичларидан бири бўлган яъни улар имаголарининг катта кичиклиги (размери) ва биомассаси билан ҳам ифодаланади. Чигирткалар имагоси урғочи индивидларининг биомассасини таққослаш натижаларига асосан тўда ҳосил қилувчи турларнинг бу кўрсатгичи якка ҳолда яшовчи турлар кўрсатгичига нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди. Осиё чигирткаси имагоси урғочи зотларининг биомассаси ўртача 2090 мг. марокаш чигирткаси ва воҳа чигирткалари индивидларининг биомассаси мос равища 1189 мг. ва 993 мг. бўлган хода, якка ҳолда учрайдиган турлар биомассаси анча кам эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, бу кўрсатгич *Pyrgomorpha bispinosa*(сониса) *deserti* тури учун – 269 мг., *Acrotalus insibiricus* Scop. учун – 265 мг. ва *Aiolopus thalassinus* (F.) – 298 мг., *Oedaleus decorus* (Germ.) – 829 мг., *Heteracris adspersa* (Redt.) – 863 мг.,

Dociostaurus tartarus Uv. – 335 мг. бўлиб, бу кўрсатгичлар ҳашарот турларининг бипотенциалини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.



2-расм. Фарғона водийси чигиртка турларининг агроценозлар бўйича тақсимланиши.

Қишлоқ хўжалик экинлари далаларида тарқалган турларнинг асосий ривожланиши ўчоқлари бу дала атрофидаги бегона ўтлар қоплаган уватлар, ташландиқ майдончалар, сув шахобчалари бўйлари бўлганлиги сабабли тўда ҳосил қилмайдиган чигиртка турларининг кенг доирада тарқалиши имкониятлари чегараланган. Юқорида келтирилган маълумотларни эътиборга олган ҳолда дала шароитида учрайдиган чигиртка турларини бу экинзорлар учун доимий хавф солиб турувчи тур хисоблаш учун асос йўқ, лекин улар миқдорини назорат қилиб туриш зарур.

Фарғона водийси дала экинлари майдонларида аниқланган турларнинг хавфли зааркунанда сифатида қайд қилиш учун уларнинг дала шароитида учраш зичлигидан ташқари, биологик потенциалларини ўрганганимизда, юқорида қайд қилинган якка ҳолда учрайдиган турлар экинларга иқтисодий аҳамиятга эга бўлган миқдорда зарар келтиришини аниқлаш ва уларга қарши маҳсус кураш чораларини олиб бориш юзасидан бир қатор тадқиқотлар ва кузатишлар ўтказишни тақоза қилиши аниқланди. Шунинг билан бирга дала шароитида марокаш, осиё ва воҳа чигирткаларининг тарқалганлиги тўғрисидаги маълумотлар бу турларнинг ривожланиш ўчоқларини далалардан узок яқинлигини аниқлаш ва уларни назорат қилиш муҳим эканлигини белгилаб беради.

Шундай қилиб, Фарғона водийси қишлоқ хўжалик экинлари майдонларида 36 тур чигиртка тарқалганлиги аниқланди ва уларнинг 14 таси кенг тарқалган бўлиб, улардан далаларда учраган тўда ҳосил қилувчи осиё, марокаш ва воҳа чигирткалари ҳавфли зааркунанда сифатида қайд қилинди ва тўда ҳосил қилмайдиган 11 тур чигирткаларининг дала шароитида учрайдиган турлар сифатида назорат қилишга эътибор бериш таклиф қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Токгаев Т. Фауна и экология саранчовқҳ Туркмении. Ашхабад “Илим” 1972

2. Лачининский А.В., Сергеев М.Г., Чильдебаев М.К., Черняховский М.Е., Локвуд Дж.А., Камбулин В.Е., Гаппаров Ф.А., 2002. Саранчовые Казахстана, Средней Азии и сопредельных территорий. США, Ларами.

3. Гаппаров Ф.А., Лачининский, А.В Ўзбекистон худудларида тўғриқанотлилар туркумига кирувчи заарли чигиртка ва чигирткасимонларнинг ривожланиши, ёппасига қўпайиш сабаблари, замонавий қураш чоралари. Тавсиянома. Ф.А. Гаппаров таҳрири остида. Тошкент: “ART LINE GROUP”, ЎзЎҲҚИТИ, 2008 г.

4. Цыплеков Е.П. Методические указания по борьбе с вредными саранчовыми. – М.: Колос, 1979 г